

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 7 ноябрь, № 217 (5637) Чоршанба


# Самарали ва истиқболли

## лойиҳалар саноатимизни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда



*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган “Ўзбек модели” асосида иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, рақобат кучайиб бораётган бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилмоқда.*

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Айни чоғда тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда хорижлик сармоядорларга кўплаб имтиёзлар, енгилликлар ва преференциялар берилмоқдаки, бу, кўзланган марраларни бирин-кетин забт этиш, энг муҳими, инқироз шароитида ҳам барқарор юксалишга замин бўлаяпти.

Айниқса, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самаралари ҳақида сўзлашнинг ўзи кишига катта ғурур бағишлайди.

Жорий йил январь — сентябрь ойларида 1074 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича қиймати 6,2 триллион сўмлик ёки 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 25,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилгани, 957 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани бунга мисолдир. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 3,3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида экспорт улуши ўтган йилнинг шу давридаги 23,9 фоиздан 25,3 фоизга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

*Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий ваколатхонаси томонидан Монтерей халқаро тадқиқотлар институти (Калифорния штати, АҚШ) билан ўзаро ҳамкорликда “Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш бўйича ташаббуси — минтақавий ва глобал хавфсизликнинг муҳим омили” мавзуига бағишланган конференция ўтказилди.*

# Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари америкалик экспертлар нигоҳида

Тадбир чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги ташаббуси тўғрисидаги батафсил маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Анжуман чоғида, шунингдек, 2009 йил 20 мартда “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисида”ги шартноманинг кучга кириши ҳамда унинг минтақавий ва умумбашарий хавфсизликка таъсири билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисида”ги шартномага 1997 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзуидаги халқаро конференция чоғида замин қўйилган бўлиб, мазкур анжуманда сайёрамиздаги ядро қуроли абадий тақиқланадиган ҳудудлар сонини кўпайтиришга интилаётган минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди. Конференция якунлари бўйича Минтақавий эксперт гуруҳи тузилиб, унга тегишли шартномани тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан қайд этилганидек, Ўзбекистон замонавий халқаро муносабатлар ривожланишини чуқур ва теран англашини намоён қилди, ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги ташаббуси эса Марказий Осиёнинг оммавий қирғин қуроллари тўпланадиган, ишлаб чиқариладиган ва етказиб бериладиган минтақага айланишининг олдини олишга улкан ҳисса қўшди. Ана шундай муҳим масалалар мазкур Шартномада ўз ифодасини топгани анжуман иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институти ҳузуридаги Ядро қуролини тарқатмаслик муаммоларини ўрганиш маркази директори Вильям Поттер** таъкидлаганидек, ядро қуролсиз ҳудудлар мазкур қуролдан воз кечиш ва уни тарқатмасликни бутун дунёда илгари суришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. “Янги йирик Ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш тўғрисидаги шартномани имзолаган Марказий Осиё мамлакатлари ҳозирги вақтда ўз ресурсларини атроф-муҳит масалалари ва МАГАТЭнинг минтақадан барча турдаги ядро материаллари экспортчилари учун Қўшимча протоколига мос бўлган фойдали инновацион янгиликларга сарфлаш имкониятига эгадирлар”, деди у.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТда Ҳиндистон Техник ҳамкорлик дастури (ITEC)га бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши бўлган мазкур дастурнинг аҳамияти, бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.**

● ҚЎНҒИРОТ туманининг Қиёт қишлоғида ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Натижада ҳудудда яшовчи 1316 нафар аҳоли хонадонига зилол сув кириб борди. Бунёдкорлик ишларига 354 миллион сўм йўналтирилиб, 6 километр масофага қувурлар ётқизилди.

● **БЎСТОНЛИҚ туманидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳида “Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!” шиори остида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми бошланди. Унда бошланғич ташкилотларнинг иш самарадорлигини ошириш, намунали бошланғич ташкилотларнинг ижобий тажрибаларини оммалаштириш каби вазифаларга эътибор қаратилмоқда.**

● ПАСТДАРҒОМ туманининг Мевали қишлоғида тадбиркор Хайрулло Ўсаров саъй-ҳаракати билан пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 141 минг АҚШ доллари эвазига Хитойдан илғор технологиялар келтирилгач, бу ерда йилига 15 миллион дона деворбоп материал тайёрлаш имконияти юзага келди. Лойиҳа шарофати билан 80 кишининг бандлиги таъминланди.

● **ОЛТИНКЎЛ туманидаги Ойшахоним маҳалласида “Афсона” маиший хизмат ва соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш-монтаж ишларига 2 миллиард 290 миллион сўм сарфланди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

*Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясининг юртимизга ташрифи доирасида 6 ноябрь куни Тошкентда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари иштирокида мажлис бўлиб ўтди.*

Унда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари — Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу Даби тараққиёт жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, соҳада амалга оширилаётган янги лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Ҳозиргача ИТБ билан ҳамкорликда умумий қиймати 186,4 миллион АҚШ долларига тенг ўнта лойиҳа амалга оширилган. Умумий қиймати 277,4 миллион АҚШ долларига тенг яна бешта лойиҳа амалга оширилиш босқичида. Ислом тараққиёт банки билан 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган уч йиллик ҳамкорлик дастури устида иш олиб борилаётир.

ИТБ фаолияти, асосан, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни, ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашиш, техникавий ёрдам кўрсатиш каби соҳаларга йўналтирилган. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, минтақавий лойиҳаларни молиялаштириш ҳам устувор соҳалардандир.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Фарғона

*Вилоят марказида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яна бир йирик лойиҳа амалга оширилди. Асакалик машинасозларга бутловчи қисмлар етказиб берувчи “UZSUNGWOO” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси иш бошлади.*

## Қўшма корхона иш бошлади

“GM Uzbekistan”нинг янги турдаги автомобиллари учун 183 турдаги бутловчи қисмлар етказиб бериш имкониятига эга мазкур корхонани ташкил этишга “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва Жанубий кореялик инвесторлар томонидан 47,8 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилди. Бу ерда илғор технологиялар ёрдамида йилига 120 минг дона автомобилга зарур компонентлар тайёрлаш мумкин. Бошқача айтганда, ушбу лойиҳа рўёби туфайли 82,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилади. Бинобарин, хориждан бутловчи қисмлар олиб келиниши камайиши ҳисобига 25 миллион долларлик валюта тежаб қолинади.

Яна бир эътиборли жиҳати, қўшма корхона фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида фарғоналик 453 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. У тўла қувват билан ишга тушса, вилоятда тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг 4,5 фоизи шу ерда ишлаб чиқарилади.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Сурхондарё

*Сариосиё туманидаги “Орион қурилиш бутлаш” масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 120 миллион сўмлик техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.*

## Технологик янгиланиш натижаси

Пировардида ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробарга ортди. Ҳозир жамиятда техник кислород тайёрланиб, юртимиздаги саноат корхоналарига етказиб берилмоқда.

Умуман, вилоятда 2012 йилда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш эвазига салкам 3 мингта иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Жорий йилнинг 9 ойида республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми**

**7,1**

**фоизга ўсди.**

*Соҳада етакчи куч сифатида шаклланган фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, унинг тармоқларига замонавий технологияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.*

Хоразм

*Урганч шаҳрида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб маданий-маърифий тадбир ўтказилди.*

## «Бир оила фарзандларимиз»

Унда иштирок этган Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Де Ван давлатларимизнинг қадимий алоқалари, ўзаро маданий-маърифий ҳамкорлиги, халқларимизнинг миллий қадриятлари ҳамда анъаналари ҳақида сўз юритиб, бундан кейин ҳам ўзаро дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

— Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллати вакиллари ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдор, — дейди Хоразм вилояти корейс миллий маданият маркази раҳбари Антонина Ким. — Улар мана шу мўътабар заминда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари билан аҳил-иноқ ҳаёт кечириб, ягона Ватанимиз — Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар орасидан ўнлаб таниқли инсонлар етишиб чиқмоқда. Хусусан, Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлгани бунга яққол мисол бўла олади.

Анжуманда Хоразм вилоятида яшаётган 400 нафардан зиёд турли миллат ва элат вакиллари қатнашди. Якунда “Ўзбекистон — умумий уйимиз” номли видеофильм ҳамда Хоразмдаги миллий маданият марказлари санъаткорлари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П. Бобожонов иштирок этди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Эътибор ва рағбат ёш истеъдод соҳибларининг ижодий изланишини юзага чиқарувчи муҳим омилдир.*

Тошкент вилояти

## Иқтидорли болалар фестивали

Қувонарлиси, мамлакатимизда ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилувчи кўплаб тадбирлар, нуфузли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Улар орасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камалак” болалар ташкилоти ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган “Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивали алоҳида ўрин тутади.

Олмалиқ шаҳридаги “Металлург” маданият саройида мазкур фестивалнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар мумтоз қўшиқчилик, миллий чолғучилик, рақс, тасвирий ҳамда амалий санъат, шеърият ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини синовдан ўтказдилар.

(Давоми 2-бетда).

# АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ислом тараққиёт банки Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётир, — деди мазкур банк президенти Аҳмад Муҳаммад Али ал-Мадани. — Ўзбекистон табиий бойликларга бой ва халқи юксак салоҳиятга эга мамлакат. Араб мувофиқлаштириш гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда ўсиб бораётган обрў-эътиборининг яна бир эътирофи эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли натижалар беришига ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига ишончимиз комил.

Президент Ислом Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга ташрифи асносида Ўзбекистон билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

Ҳозирги кунга қадар меморандум доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан ҳамкорликда «Тошкент (Тўқимачи) темирйўл участкасини электрификациялаш», «Шаҳар ва туман марказий касалхоналарининг 171 та тез ёрдам бўлинмаларини тиббий жиҳозлар билан таъминлаш» каби лойиҳалар амалга оширилди. «Республика ихтисослаштирилган кардиохирургия марказини юқори технологияли тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш» ва «Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида дренаж ва ирригация тармоқларини қайта тиклаш» каби лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

— Мамлакатингизда иқтисодиётни юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётир, — деди Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг Марказий Осиё ва Европа мамлакатлари бўйича минтақавий менежери Юсеф ал-Бадер. — Бу ғоят қувонарли. Жамғармамиз Ўзбекистон билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. Турли соҳаларда умумий қиймати 110 миллион АҚШ долларига тенг бўлган кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилди. Келгусида лойиҳалар қамрови янада кенгаяди, деган умиддаман.

Саудия тараққиёт жамғармаси ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиб келади.

— Бугунги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи йиғилиши Саудия тараққиёт жамғармаси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир, — деди Саудия тараққиёт жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари, ижрочи директори Юсеф ал-Бассам. — Мамлакатингиз барча соҳаларда янгиланишларни бошдан кечирмоқда. Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш борасида Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.

Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) Халқаро тараққиёт жамғармаси ташкилотга аъзо ва ривожланаётган мамлакатлар билан нефть саноати соҳасида ҳамкорлик қилади. Абу Даби тараққиёт жамғармасининг фаолияти йўллар, ҳаво ва денгиз бандаргоҳлари, электр таъминоти, қишлоқ хўжалиги, алоқа, тураржой бинолари қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, саноат ва сайёҳликни ривожлантириш каби кўплаб соҳаларга қаратилган.

Мажлис иштирокчилари Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодиётида катта муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида қайд этдилар. Жаҳон иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини муттасил ошириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ва қўлга киритилаётган ютуқларни юқори баҳоладилар.

Томонлар қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат, кимё ва металлургия саноати, энергетика, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Анжуман якунида мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва компаниялари билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо муассасалар ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти, шубҳасиз, қонунлар ижросини таъминлашдан иборат. Бу борадаги самарадорликни ошириш парламент назоратини ўрнатиш билан узвий боғлиқдир.*

*Шу боис истиқлол йилларида ҳаётимизда парламентнинг ролини ошириш, бу борадаги устувор вазифаларни изчил бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

# Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш — давр талаби

Айтиш лозимки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, юртимизда оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш доимий эътиборда турибди. Шунингдек, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан бир қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, шу жумладан, унинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳам ана шундай долзарб талаблардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиб, бунда парламент назорати турли шаклларидан фойдаланиб келмоқда. Ўз навбатида, бу қонун ҳужжатларининг жойларда бажарилиши самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Парламент қуйи палатасида ташкил этилган йиғилишда қўмитанинг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ҳамда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Андижон ва Сирдарё вилоятларида ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари ҳақида”ги қарори ижроси муҳокама қилинди. Унда депутатлар, ҳукумат вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда соҳа мутасаддилари, мутахассислар, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит, ҳуқуқий-ташкилий, иқтисодий кафолат ва имкониятлар яратиш давлатимизнинг доимий диққатидаги масалалардан эканлиги таъкидланди. Маълумки, ОАВ кенг кўламли ислоҳотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказишда фаол қатнашмоқда.

Тадбирда юқорида қайд этилган қарор ижроси юзасидан ҳар икки вилоят ҳокимликлари мутасаддилари ахборотлари эшитилди. Таъкидланганидек, Андижон ва Сирдарё вилоятларида ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган махсус чора-тадбирлар режаси асосида муайян ишлар амалга оширилган.

Чунончи, мазкур ҳудудларда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, соҳа ходимларининг самарали фаолият юритиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Айни чоғда уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, таҳририятларнинг моддий-техник базаси ва молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш, муассисларнинг таъсис шартномасида белгиланган мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилган. Бундан ташқари, жабҳага малакали, ёш кадрларни жалб этиш, оммавий ахборот воситаларини замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, уларни интернет тармоғига улаш, веб-сайтлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳам диққатга сазовордир.

Республикамизда соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши натижасида мазкур вилоятларда ОАВ нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожланмоқда. Масалан, 1991 йилда Андижон ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 32 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг бугунги ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 69 тага етди. Уларнинг 55 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани эътиборга моликдир.

Йиғилишда ушбу ҳудудларда тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар, ўз ечимини кутаётган камчиликлар хусусида ҳам сўз борди.

— Бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замон қалам аҳли олдига муҳим вазифаларни қўймоқда, — дейди қўмита аъзоси Н. Муротов. — Ана шу омиллардан келиб чиқиб, ушбу ҳудудлардаги оммавий ахборот воситалари масъулиятини кучайтириш, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказиш самарадорлигини ошириш, матбуотда эълон қилинаётган материаллар таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

Соҳанинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, уларга бозор механизмларини жорий этиш бунда айни муддаодир. Буларнинг барчаси ўткир мавзулар, таҳлилий ва танқидий чиқишлар савиясини кучайтириш, уларда ўртага ташланган муаммоларни ечиш учун жамоатчиликни жалб этишнинг муҳим шартидир.

Барчамизга аёнки, глобаллашув жараёнларида ҳали онги ва дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ёшларимизни турли кўринишдаги ахборот хуружларидан ҳимоялаш, маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш долзарбдир. Қўмита аъзолари томонидан миллий анъаналар, тарихий ва маънавий меросни сақлашга қаратилган сифатли, юксак медиамаҳсулотларини яратиш, ҳудудларда ҳам замонавий ахборот технологиялари ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, улардаги нашрлар веб-сайтларини ривожлантириш бўйича мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш, ижодий фаолиятни замонавий журналистика қоидалари асосида ташкил этиш, малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, журналистларнинг ихтисослашувига эътибор қаратиш, профессионал маҳоратини замон талаблари даражасига кўтариш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Унда тегишли ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш борасида ҳам фикр юритилиб, ушбу устувор вазифалар ижросида Концепциянинг Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида илгари сурилган ғояларни оғишмай амалга ошириш, таклиф этилган янги қонунлар лойиҳаларини янада мукаммаллаштириш асосий ўрин тутиши таъкидланди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Иқтидорли болалар фестивали

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу галги танловнинг туман ҳамда шаҳар босқичларида ўтган йиллардагидан анча кўп — қарийб 2500 нафар ўқувчи қамраб олинганининг ўзиёқ танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолатдир.

Фестиваль қатнашчиларидан бири — ангренлик Ҳасан Зокиров шаҳардаги 9-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг 6-синфида ўқийди. Бундай нуфузли танловда илк маротаба иштирок этаётганига қарамай, ёш мусаввирнинг она-табиат гўзалликларидан ҳайратланиб яратган пейзаж ва натюрмортлари фестиваль кўргазмасини безади. Қолаверса, у танловда таниқли ранг-тасвир усталаридан иборат ҳакамлар томонидан берилган қўшимча вазифаларни ҳам барчанинг кўз ўнгида аъло даражада бажариб, ғолиблар сафидан жой олди. У энди ўз истеъдодини фестивалнинг республика босқичида яна бир бор намоён этади.

— Келажакда етук мусаввир бўлиш орзусидаман, — дейди у. — Бунинг учун мактабимизда барча имкониятлар бор. Жорий йилдан бошлаб биз, ўқувчилар икки қаватли янги бинода таҳсил олаяпмиз. Мактабимизда санъатга қизиқадиган, мана шундай беллашувларда ғолиб бўлганлар жуда ҳам кўп. Насиб этса, мен ҳам улар қаторига қўшиламан.

Тадбир кўргазмасида, шунингдек, миллий ҳунармандчилик йўналишида изланаётган ёшларнинг ижодий ишлари намойиш этилди. Бундан ташқари, ёш қаламкашларнинг илк шеърий ва насрий китоблари тақдимоти ўтказилди. Якунда ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, энг муносиб деб топилган 33 нафар иштирокчи ва 6 та бадиий жамоа танловнинг республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир таниқли эстрада хонандалари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

*“Янги авлод” республика болалар ижодиёти фестивалининг саралаш босқичлари Самарқанд, Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ҳам юксак савияда ўтказилди.*




# Самарали ва истиқболли

## лойиҳалар саноатимизни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, юқоридаги каби ижобий ўзгаришларда хорижий сармоялар ва кредитларни жалб этиш орқали бир қатор инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, “White Machine Technology” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида LCD телевизорлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани мамлакатимиз радиоэлектроника ва электротехника саноатида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Яъни шу йил ёз фаслида “Artel” савдо белгисининг замонавий технологиялар базасида “ARTLCD” суюқ кристалли дисплей(СКД)-га эга телевизорлар ишлаб чиқариш тармоғи барпо этилди.

Қўшма корхона дунёнинг етакчи компанияларида синалган илғор йиғиш линияси, лабораторияси, зарур жиҳозлар ҳамда деталлар ишлаб чиқарувчи ускуналар билан таъминланди. Энг муҳими, бунинг натижасида 25 та янги иш ўрни яратилиб, уларнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежи битирувчилари банд этди. Бу, бир томондан, ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўрин топиши ва оиласи бюджетига ҳисса қўшишига кўмак бўлса, бошқа тарафдан энг сўнгги русумдаги технологияларни бошқаришда ўзбек ёшлари ҳеч кимдан қолишмаслигининг исботидир. Шунингдек, ушбу лойиҳа рўёби чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтириш, маҳаллийлаштириш асосида валюта маблағларини тежашга хизмат қилади.

Бугунги ҳаётимизни ойнаи жаҳонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, айнан телевидениеда намойиш этиладиган тасвир ва маълумотлар ахборотга бўлган эҳтиёжимизни қондириш, маданий ҳордиқ чиқариш, эстетик завқ олишимизга хизмат қилади.

“Artel” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган ҳамда халқаро стандратларга мос функциялар пакети ўрнатилган замонавий телевизорлар ана шу талаблар ва сифат кўрсаткичларига тўла жавоб беради.

Корхонанинг телевизор ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Қобил Тошмуҳамедовнинг айтишича, суюқ кристалли дисплей тасвир тиниқлигини таъминлайди. Махсус шовқин пасайтирувчи тизим эса видеотўлқин суст ёки сифатсиз бўлган ҳолатларда уни аниқ кўрсатиб беради. Яна бир жиҳати — телевизордаги ўрнатма тюнер алоҳида мослама харид қилмасдан рақамли телевидение хизматларидан бемалол фойдаланишга замин яратади.

Қолаверса, унга махсус USB-қурилма уланганда, ундаги мусиқани тинглаш, видеони кўриш, ҳатто матнли файлларни ўқиш имконияти пайдо бўлади. Айни чоғда жонли эфирда бирор кўрсатувни кўришга вақт ёки имкон топилмаса, махсус PVR функцияси ишга туширилиб, ана шу кўрсатув ёки фильмни хотира картасига ёзиб олиш ҳамда қулай пайтда томоша қилиш мумкин. Менюсидан ўзбек ва яна бошқа 25 тилда фойдаланилади. Ўз навбатида, уч йиллик кафолат бўйича хизматлар компаниянинг сервис кўрсатиш марказларида тақдим этилади.

Шулар билан бир қаторда, дизайни ҳам оммабоп, нархи эса импорт қилинадиган шундай маҳсулотга нисбатан арзондир. Ўтган қисқа давр ичида у харидорларга манзур бўлди. Буни ҳозиргача корхона томонидан истеъмолчиларга 8000 дона замонавий телевизор етказиб берилгани ҳам тасдиқлайди.

Жамоа мақсадлари ҳам шунга яраша — яқин келажакда инновацион ютуқлар ва тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, тараққиёт суръатларини ошириш, янги моделларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш. Бу каби лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимиз саноати тармоқларини янада ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжларини кенг ҳамда сифатли қондириш, Ватанимиз иқтисодиётининг жаҳон майдонидаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**М. ҚОСИМОВ.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари америкалик экспертлар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институти ходими Брэд Кеслер** Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:

— Биринчидан, дунёда атиги бир нечтагина бу каби ядросиз ҳудудлар мавжуд, — деди у. — Иккинчидан эса, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд Шимолий яримшарда яратилган илк ядросиз ҳудуд бўлиб, у Россия ва Хитой сингари ядро қуролига эга давлатлар билан чегарадош. Учинчидан, мазкур шартнома хавфсизлик соҳасида Марказий Осиёнинг барча давлатларини қамраб олган илк кўп томонлама битим саналгани ҳолда, халқаро терроризм билан кураш ва ядро материаллари ҳамда технологияларининг террорчилар гуруҳларига бориб тушмаслигининг олдини олишга салмоқли ҳисса қўшди.

**Ядро қуролини тарқатмаслик муаммоларини ўрганиш маркази эксперти Тижей Боуз**нинг айтишича, дунёда ядро қуролини тарқатмаслик масалаларининг муҳокамаси шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёдаги оммавий қирғин қуролидан холи ҳудуд Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилиши баробарида, минтақавий хавфсизликнинг мустаҳкамланишини таъминлайди. “2009 йили Шартноманинг кучга кириши ядро қуролини тарқатмаслик масалалари бўйича кўп томонлама музокаралар жараёнига қўшимча туртки берди, — деди у. — Буларнинг барчаси республика мустақил тараққиётнинг илк йилларидаёқ минтақадаги барқарорликнинг устунларидан бири бўлиб қолаётган ташаббусни илгари сурган Ўзбекистон Президентининг узоқни кўзлаган ва изчил сиёсати маҳсулидир”.

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институти тадқиқотчиси М. Люлечи** Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд дунёнинг бошқа кўплаб минтақалари учун ўрнак бўлганини эътироф этди. “Ядро қуролисиз ҳудуднинг ташаббускори бўлган Ўзбекистон мақсадга эришиш учун музокаралар ва келишувларнинг узоқ ҳамда мураккаб йўлини босиб ўтишига тўғри келди. Аммо амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон хавфсизликнинг пойдеворларидан бирини яратиб, бугунги кунда минтақада барқарор тараққиётни таъминлаш масалаларига эътибор қаратиш имкониятига эгадир”, деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Монтерей (АҚШ)

# Фуқаролик жамиятининг муҳим таянчи

*Юртимиз маҳаллалари азалдан аҳиллик қўрғони, тинчлик-тотувлик маскани бўлиб келган. Шу боис истиқлол йилларида бу масканнинг нуфузини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида шаклланди. Буни “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг вилоят босқичларида иштирок этаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.*

## Танлов

Танловнинг Навоий вилояти босқичида ана шундай салоҳиятга эга бўлган 30 та фуқаролар йиғини вакиллари ўзаро баҳс олиб борди. Улар томонидан тайёрланган миллий ҳунармандчилик буюмларидан иборат кўргазма, ўлмас қадриятларимиз ва урф-одатларимиз акс этган кўринишлар йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

— “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган ушбу танловга қизғин ҳозирлик кўрилди, — дейди Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчилар томонидан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси қандай таъминланаётганини ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқди.

Якунда барча шартлар бўйича устунлик қилган Қизилтепа туманидаги “Ванғози” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Навоий шаҳридаги “Бунёдкор”, Нурота туманидаги “Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди.

— Юртдошларимизнинг яратувчанлик салоҳиятини юзага чиқаришда фуқаролар йиғинларининг фаол иштирок этаётгани эътиборга молик, — дейди Навоий шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Музаффар Ўроқов. — Буни бизнинг маҳалламиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳудудимизда кичик бизнес вакиллари сони тобора ортмоқда, тадбиркорлик учун яратилаётган кўплаб қулайликлар бу борада муҳим омил бўлмоқда. Танлов жараёнида намунали маҳаллаларнинг шу йўналишдаги фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. Бу ерда ўрганганларимиз фаолиятимизни янада такомиллаштириш ва маҳалламиз нуфузини оширишда қўл келади, албатта.

Танловнинг Наманган вилояти босқичида ҳудуддаги 889 та маҳалла орасидан сараланган 33 та фуқаролар йиғини ўзаро баҳслашди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг ҳужжатлари ва фаолиятига оид кўрсаткичлар ўрганиб чиқилиб, баҳоланди. Якунда Наманган туманидаги “Бешкапа” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Чуст туманидаги Хисорак ва Уйчи туманидаги Шифокор маҳаллалари эса кейинги ўринларни қўлга киритди.

— Бугун жамиятнинг ҳар бир жабҳасида маҳалланинг иштирокини кўриш мумкин, — дейди танлов ғолиби бўлган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сотволди Султонов. — Хусусан, ёшларни баркамол инсонлар қилиб камолга етказиш, ҳудудимиз ободлиги ва оилалар тотувлигини таъминлашда маҳалламиз фаоллари намуна кўрсатишмоқда. Ана шу жиҳатлар танловда муносиб баҳоланиб, биринчи ўринни қўлга киритдик. Бундан жуда мамнунмиз.

Фарғонада бўлиб ўтган мусобақалардан олдин фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган турли санъат асарлари, кулоллик намуналари, тўқувчилик ва заргарлик маҳсулотларидан иборат кўргазма намойиши бўлиб ўтди.

— Маҳалламизда 10 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Марғилон шаҳридаги “Қиргули” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидолим Сулаймонов. — Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздан бўлиб келмоқда. Айни чоғда ёшлар бандлигини таъминлаш доимий эътиборимиздадир. Жумладан, яқинда 50 та иш ўрни ташкил этилиб, уларга маҳалла ёшлари жалб қилинди. Фуқаролар йиғини қошидаги ўқув марказида эса қизларимиз ҳунарли бўлишмоқда.

Танловнинг вилоят босқичида ана шундай юқори натижаларга эришиб келаётган 12 та фуқаролар йиғини қатнашди. Якунда Олтиариқ туманидаги “Янгиқўрғон” қишлоқ фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Қўқон шаҳридаги “Артизан бўйи”, Фарғона шаҳридаги Беруний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига насиб этди.

Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Танловнинг вилоят босқичлари жойларда давом этмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

# Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

**енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари учун автомобиль шиналари етказиб бериш бўйича тендер ўтказади.**

1. Тендер савдолари предмети.
**Лот № 1. Автошина 155/80 R 12 (Дамас)**
**Лот № 2. Автошина 175/70 R 13 (Нексия)**
**Лот № 3. Автошина 165/65 R 13 (Матиз)**
**Лот № 4. Автошина 225/75 R 16с (УАЗ)**
**Лот № 5. Автошина 8.40х15 (215/90-15с) (УАЗ)**
**Лот № 6. Автошина 260х508 (9.00R20) (ЗИЛ, КамАЗ)**
**Лот № 7. Автошина 7,5 R 16с (Отайол, Исузу)**
**Лот № 8. Автошина 8,5 R 17.5с (Отайол)**
2. Тендер тури — **очиқ**.
3. Тендерда харид қилинаётган маҳсулотларни етказиб берадиган (авторизованный поставщик), тендерда иштирок этиш бўйича малакавий талабларни бажарган, тендер асосида харид қилинаётган ҳажмдаги маҳсулотни етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий қатнашчилар ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этиши мумкин.
4. Тендер комиссияси ишчи органининг манзили:
**Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.**
Тендер ҳужжатларини харид қилиш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: **(8 10 99871) 281-46-70, 256-39-03, 255-75-12. Факс: (8 10 99871) 281-46-70.**
E-mail: **umtvs@uzpak.uz**
5. Етказиб бериш муддати ва шартлари: етказиб бериш — шартномада кўрсатилган жадвал бўйича, харид қилувчининг омборига (Тошкент шаҳри).
6. Тендер ўтказилишидан аввал тендер комиссияси томонидан талабгорларни танлаш бўйича малакавий танлов (квалификационный отбор) ўтказилади.
7. Закалат суммаси (тендер таклифлари кафолати), уни тўлаш тартиби тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
8. Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 300 АҚШ доллари: хорижий қатнашчилар тўловни АҚШ долларида, Ўзбекистон Республикаси резидентлари эса Марказий банк белгилаган курс бўйича сўмда амалга оширадилар. Тендер ҳужжатлари тўловини учинчи шахслар томонидан амалга оширилиши тақиқланади.
9. Талабгорлар тендер савдоларида қатнашиш учун 8-бандда кўрсатилган маблағни тендер ҳужжатларини олгунларига қадар тўлашлари, шунингдек, тендерда иштирок этиш юзасидан аризаларини тендер комиссиясига топширишлари лозим. Тендер қатнашчилари тендер ҳужжатлари бўйича барча саволлар юзасидан тендер комиссиясининг ишчи органига ёзма равишда ёки 4-бандда кўрсатилган факс ва телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.
10. Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — **2012 йил 27 ноябрь соат 17.00 (Тошкент вақти)**.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан қабул қилинади.

1850R/1223

# «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Аукцион савдосига «O'ZSANOATQURILISHBANK» ОАТБнинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Аукционга қўйилган объект | Асосий фаолият йўналиши | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш | Закалат миқдори | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «XAZORASP TA'MIR QURILISH» МЧЖдаги улуш | Темир-бетон ишлаб чиқариш | Хоразм вилояти, Хазорасптумани, Мустақиллик к. | 95,4 фоиз | 1 фоиз | 709 000 000 сўм |
| 2. | «MEGA-BETON» МЧЖдаги улуш | Темир-бетон ишлаб чиқариш | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Саноатчилар к., 1-«А» уй | 74,2 фоиз | 1 фоиз | 654 000 000 сўм |

Аукцион савдоси 2012 йил 7 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 декабрь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби, деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдо ғолиби олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида улушнинг тўлиқ қийматини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

*Гувоҳнома: № 006231.*

1844R/1442

## ИНВЕСТОРЛАРГА: ҲАМКОРЛИК УЧУН ТАКЛИФ!

NBU

NBU INVEST GROUP

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда NBU Invest Group инвестициявий компанияси қизиқиш билдирган инвесторларни ҳамкорлик қилишга чақиради ва банкнинг қуйидаги шўъба корхоналарини сотиб олиш учун таклиф беради:

**> тўқимачилик соҳасида**

CHINOZ TEXTILE · Kurgan Tex · NAM TEX · NUKUS TEXTILE · RISHTON TO'QIMACHI · XUMO TO'QIMACHI

**100 фоиз пахта хом ашёсидан ип-калава ва газлама, тайёр трикотаж маҳсулотлари, тиббиёт бинтлари ишлаб чиқариш: «Chinoz Textile» МЧЖ, «Kurgan Tex» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Nukus Textile» МЧЖ, «Rishton To`qimachi» МЧЖ, «Xumo To`qimachi» МЧЖ.**

▶▶ www.nbuig.uz, www.chinoztextile.uz, www.namtex.uz, www.nukustextile.uz, www.xumo.uz

**> қурилиш моллари соҳасида**

ASIA PIPEPLAST

**Европа технологиялари асосида қувур ҳамда шиша толасидан фитинглар ишлаб чиқариш: «Азия Пайппласт» МЧЖ.**

▶▶ www.nbuig.uz, www.unipipe.uz

**> қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари**

FRESCO · nukus agro · bio mikrel

**Шарбат ва пюре, томат пастаси, виноматериал учун тайёр қуруқ масалliқлар ишлаб чиқариш: «Fresco» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Bio Mikrel» МЧЖ.**

▶▶ www.nbuig.uz, www.fresco-llc.uz

**www.nbuig.uz**

**Ҳамкорлик қилиш мақсадида қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин:**

**NBU INVEST GROUP**
**Тел.: (+99871) 233-00-79.**
**Факс: (+99871) 233-00-78.**
**marketing@nbuig.uz**

1831R/889

# ОБ-ҲАВО

**(7 ноябрь)**



| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида** | -2 +3 | +10 +15 |
| **Бухоро ва Навоий вилоятларида** | 0 -5 | +15 +20 |
| **Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида** | +4 +9 | +15 +20 |
| **Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида** | +6 +11 | +17 +22 |
| **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида** | +2 +7 | +15 +20 |
| **Тошкент шаҳрида** | +2 +4 | +16 +18 |

# ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com***
***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

1829R/1214

# «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

***Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:***

**1.** 7272-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Аваз Ўтар кўчасида жойлашган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 485 000 000 сўм.***

**2.** 7272-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 11-уйда жойлашган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

***Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:***

**3.** 2011 йил 2 декабрдаги 35515/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, У. Маҳмудов кўчаси, 95-уй.

***Бошланғич баҳоси — 41 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 7 декабрь кунги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

***Лицензия: RR-0052.***

1848A/1441

***Билдириш!***

**«Халқ сўзи» газетасининг**
**2012 йил 13 октябрдаги 202-сонида эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 26-даҳа, 27-уй, 43-хонадоннинг 2012 йил 14 ноябрдаги аукцион савдоси Чилонзор суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 30 октябрдаги 29505/11-сонли хатига асосан тўхтатилди.**

**«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.**

***Лицензия: № RR-0017.***

1846A/1192

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси жамоаси Миршоҳид Мирҳамидовга акаси, меҳнат фахрийси

**Миршараф**
**МИРҲАМИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кафедрасининг катта ўқитувчиси Жамолиддин Абдураҳмонхўжаевга падари бузруквори

**Ҳусан**
**СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




**Андижон давлат университети олимлари томонидан янги энергия манбаи яратилди.**

## Ёритқичлар учун энергия

Қувват ҳосил қилувчи мазкур қурилма кремний қуёш фотоэлементлари панели, аккумулятор ва электрон схемадан ташкил топган. У кўча ёритқичлари ва чекка ҳудудлардаги телефон станцияларини электр манбаи билан таъминлашда қўл келади. Муҳими, бундай қурилмаларни йиғиш учун мураккаб технологик жиҳозлар талаб қилинмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур технологияни кенг оммалаштириш натижасида ҳозиргача, асосан, четдан келтирилаётган кўча ёритқичларининг ўрнини босувчи ва энергия тежовчи маҳсулотлар пайдо бўлади. Янги энергия манбаини чекка ҳудудлардаги телефон станцияларини узлуксиз қувват билан таъминлашда ҳам қўллаш мумкин.



**Фарғона политехника институтида энергия тежовчи сув иситкич кашф этилди.**

## Тежамкор иситкич

Мазкур қурилма технологик жиҳатдан соддалиги ва арзонлиги билан ажралиб туради. Унинг оммавий ишлаб чиқарилиши ва истеъмолга жорий этилиши тураржой ҳамда бошқа объектларда табиий газ сарфини 40-60 фоизга камайтиради.

Технология Ўзбекистоннинг иқлим ва маиший шароитида кунига 3-4 кишидан иборат оиланинг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини қоплаб, 50-75 литр сувни ошхона газ плитасида овқат тайёрлаш пайтида ишлатилган энергия ҳисобига 70 даражагача иситади. Тежамкор қурилмадан фермер хўжаликлари, болалар боғчалари, умумий овқатланиш шохобчаларида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Юртимизда нефть маҳсулотлари ва сув чегарасини аниқлашга мўлжалланган паста ихтиро қилинди.**

## Сувни сезувчи пасталар

Самарқанд давлат университети тадқиқотчилари изланишлари самараси бўлган бу препарат таркибида ишқорли реагент, индикаторлар аралашмаси ҳамда уларни маълум нисбатларда боғлаб турувчи компонентлар мавжуд. У сув (оқар сув, қаттиқ сув ва бошқалар) сифатини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Буни амалга ошириш учун паста таркибига бир қанча индикаторлар ва боғловчи реагентлар қўшилади.

Энг муҳими, бу пасталар четдан келаётган шу турдаги маҳсулот ўрнини боса олади.

**И. РАҲМАТУЛЛАЕВ, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.**

## Молия муассасаларида

*Халқимизнинг яхши одатлари, анъаналари кўп. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, деган тушунча шулардан бири бўлиб, у бизнинг онгимизга чуқур сингиб кетган. Бундай олижаноб муносабат, айниқса, истиқлол йилларида янада юксак чўққиларга кўтарилди. Жумладан, меҳрибон ота-оналаримизни, муҳтарам қарияларимизни улуғлаш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида кенг кўламли ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда.*

XALQ BANKI

# КЕНГ ИМКОНИЯТ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилини умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ савобдир.

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашга ана шу мезондан ёндашмоқда. Хусусан, мамлакатимиз аҳолиси ва пенсионерларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш мақсадида жойларда унинг 198 та филиали, 239 та минибанки, 1634 та бўлими, 936 та махсус кассаси томонидан намунали хизмат кўрсатилиб, халқимизнинг узоғи яқин, оғири енгил қилинмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлари сақланиши ҳамда тўланиши давлат томонидан кафолатланганлиги юртдошларимизнинг унга бўлган ишончини тобора орттирмоқда. Бугунги кунда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига аъзо бўлган фуқаролар сони 7 538 048 тани ташкил этгани, шундан 51,7 фоизи эркаклар, 48,3 фоизи аёллар экани, иштирокчиларнинг 33,1 фоизи 30 ёшгача бўлган, 39,7 фоизи 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган, 27,2 фоизи эса 45 ёшдан юқори бўлган фуқаролар ҳисобланиши, тизимда иштирок этувчи бир фуқарога ўртача 93,0 минг сўмдан маблағ тўғри келиши бунинг тасдиғидир.

Халқ банки томонидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ўзларининг ҳисоб рақамларида йиғилган маблағларига пул қадрсизланишига юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизлар ҳисобланиб қўшиб келинаётгани ҳам эътирофга лойиқ.

Яна бир эътиборли жиҳати, нафақа ёшига етган юртдошларимизга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағларини уларнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилиши қаттиқ назоратга олинган. Шу кунга қадар нафақа ёшига етган 414 507 нафар фуқарога ана шу маблағлари тўлаб берилгани бунга мисол бўла олади.

— Инсон хаста бўлганида кимнингдир беминнат кўмагидан баҳраманд бўлса, кўнгли осмон қадар кўтарилар экан, — дейди Хоразм вилояти, Питнак шаҳри, Узоқова кўчасида яшовчи II гуруҳ ногирони Қ. Бобоев. — Халқ банки ходимларини ҳам ана шундай беминнат хизмат кўрсатаётган инсонлар сафига қўшиш мумкин. Чунки улар жамғариб бориладиган пенсия бадалларимизни уйимизга олиб келиб беришмоқда. Айниқса, хушмуомалалигини айтмайсизми?!



Бундай фикрларни, шунингдек, вилоятнинг Гурлан тумани, Ш. Ҳайитметов кўчаси, 34-уйда яшовчи Ж. Бобожонова, Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл тумани, Айдес кўчаси, 20-уйда яшовчи А. Бегимбетов, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Аэропорт кўчаси, 10-уйнинг 5-хонадонида истиқомат қилувчи Г. Мақсудова ҳам билдирди.

Маълумки, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинган. Шунинг ўзидан ҳам англаш мумкинки, мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишлар қамрови ниҳоятда кенг.

Президентимизнинг "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига биноан, ўтган йилнинг 1 январидан бошлаб тизимда ихтиёрий иштирок этувчиларнинг ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиғига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 2 баробари миқдорида фоиз тўлаш йўлга қўйилди. Бу ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бундан ташқари, Халқ банки томонидан тизимга ихтиёрий бадал киритган иштирокчилар ўртасида пул ютуқли тиражлар мунтазам ўтказилмоқда. Каттақўрғон шаҳрилик Султонпоша Убайдуллаева банкнинг шаҳар филиали жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига 2009 йил 31 августда 141 минг сўм маблағ қўйган эди. Жорий йилнинг май ойида у Бухоро шаҳрида тизимга ихтиёрий бадал киритган фуқаролар ўртасида ташкил этилган ютуқлар тиражида 5 000 000 сўм ютуқ эгасига айланди.

— Албатта, бундан жуда хурсандман, — дейди С. Убайдуллаева. — Бунинг учун Халқ банки ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Шу йилнинг 26 сентябрида Тошкент шаҳрида ўтказилган навбатдаги тиражда эса Чирчиқ шаҳрилик Р. Ахметзянова ҳам 5 000 000 сўмлик ютуқни қўлга киритди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда банк жамоаси аҳоли ва мижозларга кўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги 145-сонли қарори дастуриламал бўлаётир. Гап шундаки, мазкур ҳужжат доирасида иш берувчилар томонидан Халқ банкига тақдим этилиши лозим бўлган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестрини электрон манбаларда ёки интернет орқали узатиш тизими йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, корхона ва ташкилотларга вақтни тежаш имконини бермоқда.

Мухтасар айтганда, Халқ банки жамоаси ушбу йўналишдаги ишлар кўламини тобора кенгайтириб, аҳолига қулай ва манфаатли бўлган хизматларни таклиф этаяпти. Зеро, асосий мақсад юртдошларимизга сифатли хизмат кўрсатиш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

ASAKA BANK

*Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатда ривожланишида банк-молия муассасаларининг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Хусусан, етакчи банклардан бири ҳисобланган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки, айниқса, бу борада ўзига хос мавқени эгаллаб турибди. Иқтисодиёт тармоқларига ажратилаётган кредитлар салмоғи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли банк мижозлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда.*

## «Асака» банки:

# Кичик бизнесга — катта сармоя

Бунда "Асака" банки Жиззах вилояти филиалининг ҳам хизмати беқиёс. Ҳозирги кунда ушбу филиал жамоаси 42 минг нафардан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келаётир. Унинг молиявий имкониятларини яққол кўрсатиб берадиган жами активлари миқдори эса 38,9 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестициявий фаолияти унинг салоҳиятини, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Зеро, каттаю кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва кенгайтиришда банкларнинг молиявий мададига таянади. Шу нуқтаи назардан қараганда, филиал жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишга сезиларли даражада ҳисса қўшаяпти, дея бемалол айта оламиз.

*Жиззах туманидаги "Аллаберди-Нур" хусусий корхонасига қурилиш материаллари тайёрлаш ускуналарини сотиб олишга имтиёзли шартлар асосида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилгач, бу ерда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда унинг 80 фоизи вилоятдаги истеъмолчилар томонидан харид қилинмоқда. Корхона ишга тушгач, 14 нафарга яқин киши муқим иш жойига эга бўлгани ҳам банк кредити самарасидир.*

Жорий йилда мазкур филиал томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар миқдори ўтган йилдагига нисбатан 1,4 бараварга кўпайтирилиши, яъни барча молиялаш манбалари ҳисобидан 13,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилиши режалаштирилган эди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 23,6 млрд. сўмликка яқин кредитлар берилиб, пировардида салкам 400 та иш ўрни ташкил этилди.

"Асака" банкининг сармоялари кундалик эҳтиёжлар учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Айтайлик, Ғаллаорол туманида фаолият юритаётган "Темурбек — Ихтисос — Чорва" хусусий корхонаси банкнинг кредити эвазига парранда гўшти ва тухум етиштиришни ўзлаштириб, ҳозирги кунда туман ва вилоят бозорларини шундай маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда.

Шу билан бирга, филиал жамоаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий бизнесни йўлга қўяётган фуқароларга кредит бериш орқали уларни ишбилармонликка жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани ибратлидир. Жумладан, жорий йил бошидан буён 48 та оила банк кредити туфайли чорвачилик билан шуғуллана бошлаган бўлса, 18 нафар коллеж битирувчиси тадбиркорликка қўл урди.

Қисқаси, "Асака" банкининг Жиззах вилояти филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар вилоят аҳолиси турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, унинг молиявий кўмагидан фойдаланган кишиларда ишбилармонлик қобилияти шаклланиб, улар иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётир. Шу боис филиал жамоаси бундан буён ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга энг устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратаверади.

**Банк ахборот хизмати.**

# Спортсевар ёшларга туҳфа

*Пискент туманида янги спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига ТИП-2 андозаси асосида бунёд этилган мазкур иншоотда спортнинг бир қатор оммавий турлари билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилган.*

## Бунёдкорлик

Умуман, мажмуада 1 миллиард 600 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг 9 ойида вилоятда мазкур жамғарма ҳисобидан шу каби ижтимоий объектлар қурилишига 17 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## Табиат неъматлари

*Карам энг кўп истеъмол қилинадиган, дармондориларга бой сабзавот тури ҳисобланади. Унинг таркибида глюкоза, фруктоза, мальтоза, сахароза, пектин каби моддалар мавжуд.*

# Чеҳрангизга чирой қўшади

Карам аскорбитенаси, масалан, картошканикига қараганда эллик маротаба кўпроқ.



Унинг таркибидаги С дармондориси ташқи баргларида ички баргларига нисбатан икки маротаба зиёдроқ. Шу боис карамнинг ташқи баргларини исроф қилмаслик керак.

Бундан ташқари, у минерал таркибига кўра калий, натрий, кальций, магний, темир ва бошқа микроэлементларга жуда бой.

Мазкур сабзавот инсон организмидан холестеринни, ортиқча суюқликларни ҳайдаб чиқаради ва атеросклерознинг олдини олади. Иммунитетни кучайтириб, тананинг турли инфекцияларга қарши самарали курашишига ёрдам беради. Шунингдек, яраларнинг тез битишига кўмаклашади, суякларни мустаҳкамлаб, тиш эмалини тиклайди, моддалар алмашинувини, бириктирувчи тўқималар фаолиятини яхшилайди, танани соғломлаштириб, ёшартиради.

**Доно ХЎЖАЕВА тайёрлади.**

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
тақдим этади:
биринчи маротаба ва фақат бир кун!
2012 йил 10 ноябрь куни соат 19.00 да «Истиқлол» санъат саройида.
Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!» деб номланган жонли ижродаги
«Марди майдон»
қўшиқлар фестивали ўтказилади.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.
1853R/1268

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 июндаги 11-1224/4591-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ФАРАЗ ЛТД» қўшма корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3523,25 кв.м. бўлган таъмирталаб, қаровсиз ҳолда қолган маъмурий бино, 2 та омборхона, бостирма, қоровулхонадан иборат кўчмас мулк бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 418 402 260 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 ноябрь куни соат 18.00.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.
1849A/1441

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.
ISSN 2010-8788
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5